

5-10-2019

THE MAIN STEPS AND MAINTENANCE OF IMPROVING HABITS OF READING ON THE ELEMENTARY SCHOOL FORMS

Дилафрo'з Акбаралиевна Муминова

Namangan Regional Center of pre-school, primary and special education Senior teacher of the department of methods

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Муминова, Дилафрo'з Акбаралиевна (2019) "THE MAIN STEPS AND MAINTENANCE OF IMPROVING HABITS OF READING ON THE ELEMENTARY SCHOOL FORMS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 5 , Article 77.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss5/77>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE MAIN STEPS AND MAINTENANCE OF IMPROVING HABITS OF READING ON THE ELEMENTARY SCHOOL FORMS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА КИТОБХОНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Муминова Дилафрўз Акбаралиевна

Наманган ВХТХҚТМО худудий маркази мактабгача, бошланғич ва махсус таълим
методикалари кафедраси катта ўқитувчиси
dilbarxon2008@mail.ru

***Аннотация.** Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида китобга муҳаббат уйғотиш, китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш, мутолаа маданияти, тўғри ўқиш қоидалари, бадиий адабиётга бўлган қизиқишларини оширишга доир педагогик-психологик маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** бошланғич синф, китоб, ўқувчилар, шахс, китобхонлик, кўникма, мутолаа, нутқ, бадиий адабиёт, таълим, саводхонлик, ўқиш, технология, мутолаа маданияти.*

THE MAIN STEPS AND MAINTENANCE OF IMPROVING HABITS OF READING ON THE ELEMENTARY SCHOOL FORMS

***Abstract.** The article discusses the improving habits elementary school pupils' reading competences, reading culture, rules of correct pronunciation and reading. Also in the article is given information pedagogical- psychological aspects correct reading, and improving the interest of literary works.*

***Keywords:** primary class, book, students, reader's, skills, fiction, reading, reading culture .*

ОСНОВНЫЕ ЭТАПЫ И ОБЕСПЕЧЕНИЕ УЛУЧШЕНИЯ НАВЫКОВ ЧТЕНИЯ НА НАЧАЛЬНЫХ ШКОЛЬНЫХ ФОРМАХ

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются материалы педагогические-психологические аспекты правильное чтение, любовь в художественной литературе и книге в начальных классах, а также предусмотрены читательские культура правильного чтения.*

***Ключевые слова:** начальный класс, книга, ученики, читательских, умений, художественная литература, чтение, культура чтения.*

Бошланғич синф ўқувчиларида китоб ўқишнинг шахсни интеллектуал, психологик ва физиологик жиҳатдан ривожланишига ёрдам берувчи таъсирларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, китоб ўқиш орқали ўқувчиларнинг нутқи ривожланади; нутқи (нутқ луғати)ни бойийди; тасавури ўсади; тафаккури ривожланади; хотираси мустаҳкамланади; ҳиссиёти (ҳиссий сифатлар, хусусан, ҳамдардлик ҳисси) тарбияланади; “ижтимоий идроки” шаклланади. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш керак, шахсда “ижтимоий идрок”нинг шаклланиши унда яшовчанлик қобилиятининг ривожланишини таъминлайди. Бу эса бошланғич

синфларда ўқувчиларнинг китоб ўқишга ижобий ёндашишларига эришиш долзарб педагогик вазифалардан бири эканлигини тасдиқлайди. Ушбу вазифани ҳал қилиш орқали эса бошланғич таълим давридан бошлаб шахс (ўқувчилар)ни ижтимоий муносабатларга изчил, тўғри йўналтириш имконини беради.

Замонавий жамиятда қарор топган айрим ҳолатлар таълим соҳасининг жадал ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлмоқда. Хусусан, жамият аъзоси бўлган алоҳида аҳоли қатламининг реал даромадлари ўсганлигига қарамай, китоблар ҳамда босма ОАВга бўлган талаб пастлигича қолмоқда; китоб ўқиш учун талаб қилинадиган бўш вақт таркибий тузилмасининг ўзгариши унинг нуфузи пасайишига олиб келмоқда; таълим соҳасида саводхонлик ва ўқиш маданиятини ривожлантиришга нисбатан эътибор пасаймоқда: а) умумий ўрта таълимда – битта тил (масалан, рус тили ва адабиёти, ёзма матнларни билан ишлаш)ни ўқув предмети сифатида ўқитиш учун ажратилган соатларнинг қисқарганлиги; б) ўрта махсус таълимда – касбий тайёргарлик (ОТМ, қўшимча таълим, малака ошириш) даражасида китобхонлик компетенцияси, ёзма матнлар билан ишлаш маҳоратини ривожлантиришга оид тизимли дастурларнинг мавжуд эмаслиги; ахборот технологияларининг интенсив ривожланиши китоб ўқишни ифодаловчи ижтимоий-маданий муҳит доирасининг торайишига олиб келмоқда; назарий жиҳатдан таклиф этилаётган китоб ва китоб маҳсулотлари (бадий, маълумотли, илмий-оммабоп, махсус адабиётлардан иборат маҳаллий ва таржима асарлари) сифатининг талаб даражаси эмаслиги кўплаб ҳудудларда китоб ўқишнинг замонавий ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда; таълим муассасалари, кутубхоналар, нашриётлар, китоб савдосида китоб ўқишнинг нуфузини кўтарадиган, бу борадаги ҳаракатни қўллаб-қувватлайдиган ҳамда ривожлантирадиган малакали кадрларнинг етишмаслиги китобхонлар доирасини кенгайтириш йўлидаги тўсиқ бўлмоқда.

Энг ачинарли жиҳати юқорида қайд этилган муаммонинг ёшлар орасида китоб ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайиши, уларнинг китобхонлик маданиятига эга эмаслигидир. Фалсафа категорияларининг моҳиятига таяниб айтиладиган бўлса, ҳар қандай оқибат (ҳолат)нинг юзага келиши ўз-ўзидан бўлмайди, балки қандай сабаблар негизида юз беради. Шу нуқтаи назардан олганда Ўзбекистонда ёшлар, хусусан, талаба ва ўқувчилар ўртасида китоб ўқишга бўлган салбий муносабатнинг шаклланиши, уларнинг китобхонлик малакаларига эга бўлмаслигини бир қатор сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Чунончи: 1) бадий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил қилиш, таълим ва маданият муассасалари учун китоб харид қилишга маблағлар етарли даражада мавжуд бўлган манбалар ҳисобидан жалб этиш йўлида жамият миқёсида фаолликнинг етишмаётганлиги; 2) китоб сотишга ихтисослашган корхоналар томонидан таълим муассасалари, кутубхоналар ва маҳаллаларда янги китоблар тақдимотларини ўтказиш, мутолаа маданиятини ошириш, шу жумладан, оммавий-ахборот воситалари орқали

тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилган тадбирларнинг юксак талаблар даражасида эмаслиги .

Ҳар қандай тараққиёт ижтимоий ривожланишга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ахборот технологиялари жадаллик билан ривожланаётган мавжуд шароитда шахс эҳтиёжларини қондирувчи маълумотларни тарқатувчи ОАВ сони, турининг кўпайиб, улар қамраб олган кўламнинг тобора кенгайиб бораётганлиги китоб ва китобхон мавзусининг янада долзарблашаётганлигида икки жиҳатни кўриш мумкинлигини тасдиқлайди: “яхши томони, мутолаа эҳтиёжи юксалиб, шаффофлашиб бораётганлиги; хавотир тарафи оммавий китобхонлик сусайиб, бетийиқ китобларнинг расталарда кўпаяётганлиги”.

Аввал айтиб ўтилганидек, бадиий адабиётлар турли ёшдаги кишиларга қайси ёш даврида бўлишидан қатъи назар нутқ, тасаввур ва дунёқарашни бойитиш, тафаккурни кенгайтириш, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга, “инсоннинг маънан юксалишига, салоҳиятини бойитишга хизмат қилади”. Глобал ахборотлашув шароитида ижтимоий, маънавий-ахлоқий, маданий қийматга эга бўлмаган китоб маҳсулотларининг яратилаётганлиги, бадиий, ҳатто илмий адабиётларнинг юқори савия, амалий қийматга эга эмаслиги ўз навбатида шахснинг фикрлаш қобилияти, тафаккур салоҳиятига эга бўлишига эришишни ижтимоий эҳтиёжга айланишини таъминлади. Жамият аъзоларининг онг, тафаккур ва кенг дунёқарашга эга бўлишларига эришишнинг муҳим омили сифатида китоб ўқишни, китобхонликни кенг тарғиб қилиш масаласини тобора долзарбланишига олиб келмоқда.

Бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш муаммосининг умумий моҳиятини ёритишда дастлаб таянч тушунчаларни ажратиш ҳамда уларнинг мазмунидан хабардор бўлиш тадқиқий характерга эга педагогик фаолият йўналишини тўғри белгилаш, синовдан ўтказиладиган назарий ғоя ва фаразларни аниқ ифодалаш, кутиладиган натижани олдиндан тўла тасаввур этиш имкониятини таъминлайди. Шу сабабли илмий тадқиқотни олиб боришда муаммо асосини ташкил этувчи, унинг моҳиятини ёритувчи таянч тушунчаларни ажратиш олиш ва уларни педагогик нуқтаи назардан ёритишга эътибор қаратилди.

Педагогика соҳасида шахс, шу жумладан, бошланғич синф ўқувчилари ҳамда китобхонлик ўртасидаги ўзаро муносабатни ёритишда “китоб”, “ўқиш”, “китоб ўқиш” (ёки “мутолаа”), “китобхонлик саводхонлиги”, “китобхонлик”, “китобхонлик фаолияти”, “китобхонлик кўникмаси”, “китобхонлик малакаси”, “китобхонлик компетентлиги” ҳамда “китобхонлик маданияти” тушунчалари таняч тушунчалар – асосий категориялар сифатида қабул қилинган. Қуйида мазкур тушунчалар негизида педагогика ва психологик йўналишларда олиб борилган илмий тадқиқотларда шахс (хусусан, бошланғич синф ўқувчилари)нинг китобга, китоб ўқишга бўлган муносабатининг мазмуни очиб берилади.

Китоблар орасида болалар учун мўлжалланган китоблар ўзига хос ўрин тутди. Бу турдаги адабиётлар ҳам бошқа турдаги китоблар каби борлиқ тўғрисидаги ахборотларни жамловчи, кишилик тараққиёти тажрибасини ўзида жам

этувчи манбадир. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларини ҳам китобга нисбатан ижобий муносабатда бўлишларига эришишда болалар адабиётларини шунчаки эрмак, ўйинчоқ деб эмас, балки уларни интеллектуал, ҳиссий, ахлоқий маданиятини шакллантиришнинг энг самарали воситаси сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, китоб ва китоб ўқиш “ёш авлоднинг маънавиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва санъатимизни янада ривожлантириш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш”да ўзига хос ўрин тутди. Айни ўринда шуни ҳам қайд этиб ўтиш зарур, китоб “болаларни қизиқтира олиши, завқлантириши, ҳайратлантириши, тўлқинлантириши керак” .

Болалар адабиётлари (болалар учун мўлжалланган бадиий асарлар)нинг энг муҳим дидактик таъсирларидан яна бири – болаларда эстетик дунёқараш (эстетик онг, ҳис-туйғу, дид, идеал, сезги, тасавур, тафаккур ҳамда қараш)ни шакллантиришга хизмат қилиши билан белгиланади. Эстетик дунёқарашнинг шаклланиши ҳамда ривожланиши болаларни ҳиссий жиҳатдан камол топишига ёрдам беради. Ҳиссиёт ривожланишининг энг муҳим жиҳати – болалар атрофдаги-ларга, борлиққа, табиатга нисбатан бефарқ, лоқайд бўлмайди. Минг афсуски, “бугунги кунда ўқиш умуммаданий, эстетик, ҳиссий эҳтиёжларни қондиришга эмас, балки энг оддий ахборот олиш эҳтиёжини қодириш”га йўналтирилмоқда.

Болаларнинг китоб билан мулоқоти уни ўқишда кўринади. Моҳиятан ўқиш “ижтимоий аҳамиятли ахборотлар, касбий ва кундалик фаолиятни ташкил этишда зарур бўлган билимлар, аввал ва ҳозирда маданий жиҳатдан қадрли бўлган тарихий ҳамда замонавий воқеалар тўғрисидаги маълумотларни ўзлаштиришнинг муҳим усули”дир.

Педагогик манбаларда ўқувчилар, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари томонидан ташкил этиладиган фаолиятнинг асосий турлари ўйин, меҳнат ва ўқиш эканлиги қайд этиб ўтилади. Ўйин фаолияти ихтиёрийликка асосланиб, ўқувчилар томонидан борлиқни англаш, амалий ҳаракатларни ташкил этиш кўникма, малакаларини ўзлаштириш, катталарнинг ҳаракатларини имитациялаш учун имконият яратилади. Меҳнат ва ўқиш фаолиятлари мажбурийлик хусусиятига эга. Улар орқали ўқувчилар меҳнат ва ўқиш (таълим олиш)ни ижтимоий зарурият эканлигини англайди, муайян турдаги меҳнат фаолиятини бажаришга оид кўникма ва малакаларни ўзлаштиради, уни ташкил этиш жараёнида ижобий фазилатлар – меҳнатсеварлик, тартиблилик, интизом, ўзгаларнинг меҳнати ҳамда меҳнат маҳсулотларига ижобий муносабатда бўлиш, уларни асраш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик, масъулият кабиларни ўзлаштириб боради.

Гарчи ўқиш бошланғич синф ўқувчиларининг фаолиятида ўйин ва меҳнат каби асосий ўринни эгалласа ҳам ушбу жараёни ташкил этиш ўз-ўзидан рўй бермайди. Бошланғич синфларда ўқиш жараёнини самарали, муваффақиятли ташкил этиш ўқувчиларда китобхонлик кўникмаларини нафақат шакллантириш, шу билан бирга ривожлантириш муайян педагогик-психологик шарт-шароитларнинг мавжудлиги, уларнинг индивидуал-шахсий хусусиятларини инобатга олиш

орқали таъминланади. Қуйида бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик-психологик моҳияти тўғрисида сўз юритилади.

“Мутолаа” (“китоб ўқиш”) тушунчаси араб тилидан таржима қилинганда “диққат билан ўқиш”, “ўрганиш” маъноларини англатади. Назарий жиҳатдан ушбу тушунча “диққат билан ўқиш, ўқиб тушуниб олиш” ни англатади. Шуни унутмаслик зарурки, китоб ўқиш – бошланғич синф ўқувчилари учун машаққатли меҳнат саналади. В.А.Сухомлинскийнинг фикрича, “китоб ўқиш ақлли, фикрловчи тарбиячи учун боланинг юрагига йўл топишга ёрдам берадиган сўқмоқ йўлга ўхшайди”. Сўқмоқ йўлдан юриш эса ҳар доим ҳам осон кечмайди. Шу сабабли бу жараёни аста-секин, бироқ, изчил ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Китоб ўқиш (китоб мутолааси)да энг муҳим омил – қизиқиш саналади.

Асар сюжетининг қизиқарлилиги, баён этиш усулининг содда, раволиги болаларни китобга бўлган эътиборини тортади. Шу сабабли бошланғич синф ўқувчиларини китоб ўқишга мажбурлаш эмас, балки уларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни шакллантириш ҳамда тизимли равишда ривожлантириб бориш зарур. Хўш, қандай омиллар бошланғич синф ўқувчиларида китоб ўқишга бўлган қизиқишни юзага келтиради?

Педагогик кузатиш, бошланғич синф ўқувчилари, шунингдек, уларнинг оналари билан олиб борилган савол-жавоб, суҳбатлар натижасида болаларда китоб ўқишга бўлган қизиқиш қуйидаги омиллар ёрдамида юзага келишига ишонч ҳосил қилинди: китобнинг ўзига хос шаклга эгаллиги, кўплаб тасвирлар билан бойитилганлиги, уларни безатишда ёрқин ранглардан фойдаланилганлик, асар сюжетининг осон, раво баён этилганлиги, асар қаҳрамонларининг ҳайвонлар, ўсимликлар, гуллар, қўғирчоқлар, ўйинчоқлардан иборат бўлиши, шунингдек, сеҳргарлик, саргузашт ва саёҳатларга асосланганлиги, асар хотимасининг ижобий якуни. Шу билан бирга тадқиқотни олиб бориш даврида бошланғич синфларда китоб ўқишга бўлган қизиқишни ҳосил қилишда самарали бўлган педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари аниқлашга ҳам эътибор қаратилди.

Агар, тўғри ўқиш – ўқилаётган мазмунга таъсир этмаслиги учун бузмасдан, яъни, хатоларсиз ўқиш бўлса, тезкор ўқиш – ўқилганларни онгли идрок этишни ифодаловчи ва таъминловчи ўқиш тезлиги, тушуниб ўқиш (онглилик, анланганлик) эса бошланғич синф ўқувчилари томонидан ўқилган матннинг ҳақиқий мазмунини тушуниш, асарнинг ғоясини, образларини ва бадиий восита сифатидаги ролини тўғри англаш, шунингдек, ўқувчида муаллиф томонидан тасвирланган ҳолатларга тўғри муносабатнинг шаклланиши. Бизнинг фикримизга кўра, тушуниб ўқиш шахснинг асар мазмунини англаниши, асар сюжетини қайта талқин эта олиши, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда асарга муносабат билдира олишидир.

Ўқишнинг ифодавийлиги – асар мазмунининг ғояси, образлари ҳаракатга келтирадиган сифат тарзида уни таҳлил қилиш жараёнида шаклландиган ўқиш. Ифодавийликда етакчилик қиладиган интонация нутқдаги тўхталиш ва ярим

тўхталишлар, ритми, урғу, суръат, овознинг кўтарилиши ва пасайиши каби ҳолатлар билан белгиланади.

Болаларни китоб билан таништириш, уларда китоб ўқишнинг дастлабки, энг оддий асосларига оид тушунчаларни шакллантириш йўлга қўйилади. Демак, болаларда китобхонлик саводхонлигини шакллантириш ушбу ижтимоий институтларда таъминланади. Шу сабабли, бизнинг фикримизча, бошланғич синф ўқувчиларининг китоб билан мулоқотларини таъминлашга қаратилган жараён “китобхонлик саводхонлигини шакллантириш” деб эмас (зеро, бу жараён оила ва мактабгача таълим муассасаларида ўз якунига етади), балки “китоб билан ишлаш ва мустақил ишлаш кўникмалари шакллантириш” сифатида қабул қилиниши керак.

Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида электрон манбаларнинг бирида билдирилган болалар ўртасида адабий таълимни ташкил этиш, унинг даражалари муддатини белгилашга оид қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди: “болалар боғчаси ва оилада адабий таълимнинг биринчи даражаси шаклланади. Биринчи синфдаги китоб ўқиш ўқув-нутқий фаолият билан белгиланади. Ўқитувчи болаларга китоб ўқиб беришни давом эттиради.

Адабий таълимнинг иккинчи даражаси – китоб билан ишлашнинг асосий методи сифатида ўқиш-суратларни кўздан кечириш орқали бошланғич образларнинг шаклланиши билан белгиланади. Иккинчи синфдаги китоб ўқиш ўқув-билиш ва коммуниктив фаолият (муаллиф ёки ўқитувчи билан, шунингдек, ўқувчиларнинг бир-бирлари билан мулоқотлари) асосида кечади, унда ўқилганлардан олинган таассуротлар ифодаланади.

Учинчи ва тўртинчи синфларда эса эстетик китобхонлик фаолияти (ёки эстетик даража олди) бошланади. Эстетик даража – ўқувчи бадиий асарнинг ақлий ва ҳиссий даражасини тушуниши билан боғлиқ.

Китобхонликда нималар кўзга ташланади? Ёки бошқача айтганда, ҳақиқий китобхон қандай сифатларга эга бўлади?

Тадқиқот олиб бориш даврида ҳаётий тажриба, педагогик кузатиш ҳамда китобларни, шу жумладан, бадиий китобларни кўп ўқийдиган шахслар фаолиятини кузатиш натижасида ўқиш ва китобларга меҳр қўйишган шахслар қуйидаги сифатларга эга бўлишлари аниқланди: асар мазмунини тушуниш; асар воқеликлари ўртасидаги изчил боғлиқлик ва алоқадорликни кўра олиш; асар қаҳрамонларининг кечинмалари, ўй-фикрлари, ҳаётий интилишларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик билдира олиш; ўзини асар қаҳрамонининг ўрнига қўйиб, у дуч келган муаммоларни ҳал қилишга уриниш, муаммони ҳал қилишнинг йўллариини излаш; асар мазмуни ва воқеликларига нисбатан шахсий муносабатни ифодалаш.

Шунга кўра бошланғич синф ўқувчилари таълим жараёнида ушбу ҳолатни инобатга олган ҳолда ўқувчиларни расмий бўлмаса-да, норасмий равишда қуйидаги икки гуруҳга ажратиб олишлари зарур: 1) ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш, расм чизиш ва турли хом ашёлардан ранг-баранг буюмларни ясаш кўникма, малакаларига эга


бўлган ўқувчилар; 2) ёзиш, ўқиш, ҳисоблаш, расм чизиш ва турли хом ашёлардан ранг-баранг буюмларни яшаш кўникма, малакаларига эга бўлмаган ўқувчилар.

Бугунги кунда кўпинча болалар китоб ўқимаётганликда айбланадилар. Лекин уларга ранг-баранг адабиётлар тавсия қилиш зарурлиги ўқитувчиларнинг ҳам, кутубхоначиларнинг ҳам эътиборидан четда қолмоқда. Бунинг учун ўқитувчилардан ўқувчиларнинг китобларга бўлган қизиқишлари, эҳтиёжларини яхши билишилари талаб этилади... Ўқувчилар китоб ўқимаслигининг сабаблардан бири оилада ота-она, мактабда ўқитувчи томонидан китобга меҳр уйғота олмаслик ёки ўқийдиган, қизиқарли бадиий китоблар етишмаслигидадир. Ўқувчиларнинг китоб ўқиш ва китобхонликка нисбатан салбий муносабатда бўлишларида, юқорида айтилганидек, бу жараёни ташкилий, моддий таъминотини яратувчи нашриётлар, назарий-педагогик ва амалий-методик жиҳатдан оқилона, самарали уюштира олмаётган ота-оналар, ўқитувчилар ҳамда соҳа учун масъул ижтимоий ташкилотларнинг жавобгарлигини инкор қилиб бўлмайди.

Бинобарин, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик жиҳатларини такомиллаштириш билан боғлиқдир.

Назарий таҳлил натижаларига кўра айтиш мумкинки, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини ривожлантириш бевосита бешта босқичда амалга оширилади (1-расм).

Бошланғич синф ўқувчиларида шакллантирилган китобхонлик кўникмалари (китобни мавжуд талабларга мувофиқ ота-оналар, ўқитувчи, кутубхоначи ва волонтерлар ёрдамида ўқишни ўрганиш)нинг кейинги даражаси китобхонлик малакаси (китобни мавжуд талабларга мувофиқ ота-оналар, ўқитувчи, кутубхоначи ва волонтерлар ёрдамисиз, мустақил ўқишни ўрганиш)нинг шаклланиши бўлади. Мактабгача таълим ёшининг юқори босқичларидаёқ асар қаҳрамонларининг туйғулари, ўй-фикрлари, ички кечинмалари, ҳаётини интилишларини ҳис қилиш, сюжетнинг ривожланишини кузатиб бориш, асарда баён этилган воқеа, ҳодисаларни бир-бири билан ўзаро таққослаш каби сифатлар ривожланади. Бошланғич синфларда эса ушбу кўникмаларнинг малакаларга айланишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.



Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини шакллантириш мураккаб педагогик жараён. Унинг самарали ташкил этилиши бошланғич синф ўқитувчиларидан ушбу жараёнга мақсадли, тизимли ёндашишни талаб этади. Бинобарин, тегишли ёш даври ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини шакллантиришда бошланғич синф ўқитувчилари етакчи ўрин эгаллайди. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларда китобхонлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг педагогик-психологик асослари, ташкилий-методик талабларидан етарли даражада хабардор бўлсаларгина кутилган натижани қўлга киритиш мумкин. Улар, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида китобхонлик кўникмаларини шакллантиришда бу борадаги мавжуд аҳволдан, қолаверса, мазкур жараённинг самарали кечишига хизмат қиладиган омиллар, уларнинг педагогик-психологик таъсиридан ҳам хабардор бўлишлари зарур. Бу ҳақида ишнинг кейинги бобларида сўз юритилади.

References:

1. Orlova E.A. Rekomendatsii po povisheniyu urovnya chitatelskoy kompetensii v ramkax Natsionalnoy programmi podderjki i razvitya chtenii // http://ifapcom.ru/files/publications/rekomend_obr_1.pdf.
2. Osnovi chitatelskoy kulturi // <https://studfiles.net/preview/6812001>.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida»gi (2017 yil 7 fevral) Farmoni // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107036#3109146.
4. Nima uchun kitoblarni o'qish tinglashdan yaxshiroq? // <https://kun.uz/news/2018/10/16/nima-ucun-kitoblarni-ukis-tinglasdan-yahsirok>.
5. Yangi qaror: endi yangi tug'ilgan chaqaloqlarga kitob hadya etiladi // <https://aniq.uz/yangiliklar/yangi-qaror-jndi-yangi-tugilgan-chaqaloqlarga-kitob-hadya-etiladi-1>.
6. Sayyid S. Kitobsiz kelajak yo'q // <http://uza.uz/oz/society/kitobsiz-kelazhak-y-16-01-2017>.
7. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T.: O'zbekiston, 2014. – 48 b.
8. Formirovanie chitatelskogo interesa u mladshix shkolnikov na uroke literaturnogo chteniya // <https://nsportal.ru/npo-spo/obrazovanie-i-pedagogika/library/2017/10/29/formirovanie-chitatelskogo-interesa-u-mladshih>.
9. Innovatsionnie formi raboti po formirovaniyu chitatelskoy gramotnosti
10. // <http://gimnazia38.ru/wp-content/uploads/2016/03/Innovatsionnie-formi-raboti-po-formirovaniyu-chitatelskoy-gramotnosti.pdf>.
11. O'zbek tilining izohli lug'ati. N – Tartibli / 5 jildli. Uchinchi jild. A.Madvaliev tahriri ostida. – T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2007. – 416-b.
12. Suxomlinskiy V.A. Serdse otdayu detyam. – Minsk: Narodnaya asveta, 2001. – 287 s.
13. Mokina M. CHtenie – osnova gramotnosti // J. Etnosfera. – M.: 2008. – № 12. – S. 21
14. Vidi analiza teksta (s primerami) // <https://studfiles.net/preview/6812001/page:4>.

15. Qayumxo'jaeva YO. O'quvchilarning kitobxonlik madaniyatini shakllantirish imkoniyatlari. – T.: A.Qodiriy nomidagi Toshkent davlat madaniyat instituti, 2007. – 12-48-b.
16. Quronov D. Muhimi – kitobxonlik darajasi va madaniyati // <https://ziyouz.uz/suhbatlar/dilmurod-quronov-muhimi-kitobxonlik-darajasi-va-madaniyati-2015..>